O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
299

## Da'vat

Сув тўхтар, душман тўхтамас.

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 20 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 92 (7185)

## Ibrat

Хўжаобод туманида туман ижодкор ўқитувчиларининг уюшмаси тузилди. Туман ҳокими Ўктамжон Охунов янгилик яратишга шайланаётган ижодкор ўқитувчилар билан учрашувда, уюшмага имкониятлари даражасидаги кўмакни беришга тайёрлигини билдирди.

# ЕХҲТНИНГ ИСТАМБУЛ САММИТИ

**ИСТАМБУЛ (18 ноябр. ЎзА махсус мухбири Беҳзод УСМОН хабар қилади).** Хабар қилинганидек, Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо 54 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтмоқда. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТнинг бешинчи бор ўтказилаётган саммити кун тартибидаги асосий масала ташкилотга аъзо мамлакатларнинг XXI асрдаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлган Европа Хавфсизлик Хартиясини қабул қилишдир. ЕХҲТ Шимолий Америкадан Узоқ Шарққача бўлган улкан ҳудудни қамраб олишини инобатга олсак, бу ҳужжат яқин келажакда бутун дунёда ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, анжуманда Истамбул декларацияси, Европада одатий қуролли кучлар бўйича янгиланган шартнома, ишонч чоралари бўйича Вена ҳужжати имзоланиши кўзда тутилаётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов саммитда иштирок этаётган давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб сўзга чиқди. Айтиш жоизки, бунда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар орасида тутган юқори мавқеи, минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги етакчи аҳамияти эътирофининг ифодаси мавжуд. Давлатимиз раҳбари ЕХҲТнинг бугунги фаолияти, келажакдаги вазифаларига тўхталиб, унинг минтақавий можароларни бартараф этиш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги воситачилик аҳамияти ва иштирокини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди. Бунинг учун ташкилот, ўз номи ва нуфузига мос равишда, том маънодаги хавфсизлик йўлидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириши зарурлигини таъкидлади. Зеро, бу масалаларни ҳал этишда умумий гаплардан амалий ишга ўтиш фурсати аллақачон келган.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Истамбул саммитида сўзлаган нутқи

Муҳтарам Раис!

Муҳтарам давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, мазкур саммитнинг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшган барча кишиларга, шунингдек, Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демирэлга самимий кутиб олганлари ва меҳмондўстликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Биз даҳшатли зилзила офатларига матонат билан дош берган Туркия халқига ўз бирдамлигимизни изҳор этамиз.

Ишончим комилки, Истамбулда мазкур учрашувнинг ўтказилиши, кун тартибидаги асосий масала — Европа Хавфсизлик Хартияси лойиҳасининг муҳокама этилиши, тобора ривожланаётган ҳамкорлик ва давлатлараро интеграция жараёнлари билан бирга, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қилинаётган таҳдидлар ҳам кучайиб бораётган бир пайтда ЕХҲТнинг ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги янги қадамдир.

Ўйлайманки, бугунги кунда халқаро майдонда "совуқ уруш" кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бунинг ёрқин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида кўриб турибмиз.

Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмоқдамиз.

Буни Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.

Бундай режаларнинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан буён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидапарастлар бошпана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатга айланиб қолди.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда гиёҳванд опиумнинг 75 фоизи Афғонистонда етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизи бевосита Европада тарқатилмоқда.

Барчага шу нарса яхши аён бўлиши кераккки, токи Афғонистонда уруш давом этар экан, хавфсизлик ва тинчликка, қўшни Марказий Осиё давлатларидаги демократик янгиланишлар ва ислоҳотларга бўлган хавф, халқаро терроризм манбаи сақланиб қолаверади ҳамда терроризмнинг минтақа чегарасидан ташқарига тарқалиши хавфи ҳам йўқолмайди.

Шу муносабат билан, янги Хавфсизлик Хартияси лойиҳасини муҳокама этар эканмиз, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман:

1.ЕХҲТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим.

Бу ўринда ЕХҲТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур.

2. ЕХҲТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган ниҳоятда катта эътибор, айниқса, яқинда демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХҲТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХҲТ доирасида Тезкор фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўл келиши мумкин.

3. Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.

ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича амалдаги раисининг элчи Вильгельм Хойнг бошчилигидаги махсус комиссия томонидан тайёрланган Маърузаси ҳақида тўхталмоқчиман.

Биз Маърузадаги Марказий Осиё давлатларининг ЕХҲТ томонидан қабул қилинган умумий хавфсизлик концепциясини сўзсиз бажариш асосида ЕХҲТ институтлари ва тузилмаларига интеграциялашувига доир баҳо ва таклифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Айни пайтда таклиф этилаётган "ЕХҲТнинг йиллик тадбирлари тақвими"ни ЕХҲТнинг бевосита шафелигида минтақанинг бой табиий заҳираларидан, биринчи галда, энергетика ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефт қувурларини қуриш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига доир чора-тадбирлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг барчаси, шунингдек, Европа Иттифоқи бўйича ҳамкорларимиз ҳам бундан манфаатдордир.

Шу билан бирга, хавфсизликнинг бўлинмас, ягона экани борасидаги асосий тамойил ҳамда янги Хартияда бизнинг ЕХҲТнинг эркин демократик ва ягона маконини барпо этишни қатъий равишда қўллаб-қувватлашимизни ҳисобга олган ҳолда, фақат Марказий Осиё учун мўлжалланган қўшимча бюрократик тузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Жаноб Раис!

Ўзбекистон онгли равишда Европага интеграциялашувга интилмоқда, у ўз келажагини демократик давлатлар ҳамкорлигида кўради.

Биз бунда жамиятимизни демократлаштиришнинг зарур шарт-шароитларинигина эмас, Марказий Осиё минтақаси ҳамда бутун ЕХҲТ маконининг хавфсизлиги кафолатини ҳам кўрамиз.

Биз ЕХҲТ қадриятлари ва идеалларига садоқатимизни яна бир бор изҳор этамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.**

**• 18 ноябрь куни Сеулда Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Фен Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жунгга ишонч ёрлиғини топширди.**

**• Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида «Давр, сайлов ва аёл» мавзуида катта анжуман ўтказилди.**

**• Лондоннинг марказий кинотеатрларидан бирида илк бор ўзбек киносининг фестивали очилди – бу фестиваль ноябрь ойида Кембриж ва Оксфордда давом этади.**

**• Хитой ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Сунь Юйси ўз мамлакатининг ракета ҳужумига қарши мудофаа тизимини яратиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатга қарши чиқишини ва қуролланиш пойгасига берилмаслигини маълум қилди.**

**• Конго демократик республикаси ҳарбий ҳаво кучларига қарашли бомба ортилган "АН-12" русумли самолёт Мбандака аэродромида портлаши натижасида 12 киши ҳалок бўлган, қурбонлар орасида украиналик учувчилар ҳам бор.**

**• Венгрия телевидениеси ўтказган оммавий сўров натижаси шуни кўрсатдики, аҳолининг қарийб 90 фоизи НАТОнинг ядровий қуроллари мамлакат ҳудудига жойлаштирилишига қарши чиқмоқда.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ҚАДИМИЙ, ЕНГИЛ ВА ОҒИР...

**Энг қадимий танга милоддан аввалги 670 йилда Туркияда шоҳ Ҳиқос ҳукмронлиги даврида зарб этилган. Энг енгил - 0,002 граммли танга 1740 йилда Непалда, энг оғир - 19,71 кг бўлган танга эса 1644 йилда Швецияда ишланган.**

### ЭНГ БАЛАНД ИМОРАТ

**АҚШнинг Иллинойс штати Чикаго шаҳридаги «Сирз, Роубак ва К» фирмаси биноси ҳисобланади. Умумий баландлиги 520,29 метр, 110 қаватли бу бинода фаолият кўрсатувчи 16700 нафар ходимга 103 та лифт ва 18 та эскалатор хизмат қилади.**

### ҲИНДИСТОНДА МАТБУОТ

**Айни дамда Ҳиндистонда ҳинд тилида 5329 та, инглиз тилида 3583 та, бенгал тилида 1463 та, урду тилида 1299 та, маратхи ва бошқа тилларда 1099 та газета чоп қилинади. Ашок Сэркар хонадони томонидан назорат қилинадиган, Калькуттада чоп этиладиган «Ананд базар патрика» газетаси энг кўп - 512 минг нусхада тарқалади.**

### ХАРИТАДА ЯНГИ ДАВЛАТ

**Жаҳон сиёсий харитасида янги давлат пайдо бўлди. Аниқроғи, Венесуэла Республикаси Конституцион Ассамблеяси ўз давлати номини миллий қаҳрамонлари Симон Боливар шарафига «Венесуэла Боливе Республикаси» деб ўзгартирди.**

## САЙЛОВ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИМТИҲОНИ

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яккасарой сайлов округининг 655-сайлов участкасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатликка номзод этиб «Урал-Осиё» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси президенти Анатолий Хегай, шунингдек, вакиллик органидан Яккасарой тумани ҳокими Алишер Миркосимов, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясидан эса Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи директори Бахтиёр Мавлоновлар рўйхатга олинган. Куни кеча республика байналминал маданият марказида ана шу номзодлар билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Дастлаб номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчиларга номзодларнинг сайловолди дастури ҳақида гапириб бердилар. Сўнгра номзодларнинг ўзлари ҳам округ аҳолисининг ҳаёт тарзини яхшилаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимига эътиборни қаратиш, хусусан, ёшлар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор бериш каби масалалар ва уларнинг қонундаги акси ҳақида сўз юритдилар. Сайловчилардан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Қисқаси, жойларда номзодларнинг сайловчилар орасига юриши давом этмоқда.

**Нилуфар КЕНЖАЕВА,**
**ТошДУ талабаси**

# ТАЛАБА ВА САЙЛОВ

*Биз ҳуқуқий-демократик давлат қурар эканмиз, бунда сайловлар жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозир республикамизда ёшлар, талабалар жуда кўпчиликни ташкил этади, яъни асосий куч. Шундай экан, биз талабалар сайловларга бефарқ қарамаслигимиз керак. Биз энг сара, билимдон, келажакда мустақил Ўзбекистонимизни ривожланган мамлакатлар қаторига чиқариш учун куч-ғайратини аямайдиган, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлайдиган ватандошларимизга овоз беришимиз керак. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Мен ёшларга суянаман, барча Ўзбекистон ёшлари менинг болаларим, мен уларни ҳеч кимга бермайман» деган ишончларини оқлаб, уларни қўллаб-қувватлашимиз ҳамда республикамизда кечаётган ҳар бир жараёнга диққат билан қарамоғимиз лозим. Олий Мажлис депутатлари сайлови, ундан сўнг Президент сайловлари кун сайин яқинлашмоқда. Ҳеч бир инсон ўз келажагига бефарқ эмас. Уни ёрқин тасаввур этади. Ана шу тасаввуримиз рўёбга чиқишида биз овоз бераётган ватандошларимизнинг ҳиссаси жуда катта бўлади. Ҳозир мен ва мен каби сайловларда биринчи бор иштирок этаётган талабаларнинг қувончи чексиз. Улар ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериш ҳуқуқига эга, шунингдек, энг муносибларини танлай оладилар ҳам.*

**Исроил ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг 2-босқич толиби**

# БОСҚИНЧИЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Шу йилнинг 15 ноябрида 15-20 кишидан иборат босқинчилар гуруҳи Янгиобод аҳоли пункти яқинида милиция ходимларига ҳужум қилган эди. Отишмада Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи В.Говорухин, унинг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов ва жиноий-қидирув бўлимининг катта тезкор ходими А.Қорабоевлар ҳалок бўлишди.

Маълум бўлишича, милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштиришдан олдин босқинчилар ҳеч қандай сабабсиз уч нафар фуқаро - Чотқол қўриқхонаси табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг ходимларини отиб ўлдирган.

Мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбий идораларнинг махсус бўлинмалари босқинчилар гуруҳининг яширинган аъзоларини излаб топиш, қўлга олиш ва йўқ қилишга доир операцияларни амалга оширмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида гуруҳнинг беш нафар аъзоси йўқ қилинди. Улар орасида Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида 1998 йилнинг декабрида бандитлар гуруҳи таркибида милиция ходимини ўлдирганликда айбланиб, ҳозир қидирилаётган В.Кимнинг шахси аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан Янгиобод аҳоли пункти яқинида содир бўлган воқеалар бўйича жиноий иш қўзғатилди ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Қидирув ишлари жараёнида босқинчилар гуруҳининг Ўзбекистонга қўшни давлатларнинг биридан кириб келган бўлиши эҳтимоли тасдиқланмоқда.

Мамлакатимизнинг тегишли ҳарбий кучлари идоралари томонидан воқеа содир бўлган ҳудудда хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Маҳаллий аҳоли ушбу тадбирларнинг амалга оширилишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

**(ЎзА)**

# ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯНГИОБОД. (ЎзА махсус мухбири Мусулмон Номозов хабар қилади). 15 ноябр куни Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти яқинида уч қўриқхона ходими ҳамда уч нафар милиция ходимининг ҳаётига зомин бўлган террорчиларни қидириш давом этмоқда. Хабар қилинганидек, 16 ноябрда 5 нафар қуролли жиноятчи яширинган жойида қуршаб олинган ва қириб ташланган эди. Дастлабки суриштирув ишларининг натижасига қараганда, тоғларда яна ўн нафардан ортиқроқ жиноятчи яшириниб юрибди. Ҳозир Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматларининг махсус бўлинмалари ялпи тозалаш тадбирини ўтказмоқда. Даралардаги жиноятчилар яширинишши мумкин бўлган барча пана-пастқам жойлар текшириб чиқилмоқда. Бу ишларда ҳарбийларга маҳаллий аҳоли, айниқса, овчилар яқиндан ёрдам бераётир. Жиноятчилар қўшни мамлакатларга ўтиб кетиши мумкин бўлган барча йўл ва сўқмоқлар тўсиб қўйилган.

Тозалаш тадбирига бошчилик қилаётган штабда ишчан вазият ҳукмрон. Масалалар ўз жойида ва зудлик билан ҳал этилаётир. Янгиободда ва атрофдаги бошқа аҳоли пунктларида илгаригидек тинч ва осуда ҳаёт давом этаётир.

**(ЎзА).**

# ҚАРҒИШ ОЛГАН ЎҒИЛ

Она қарғиши! «Зангори экранда» кўзларидан ёш қалқиб, бағри хун бўлиб, яратганга илтижо қилиб фарзандини қарғаган, оқ қилган онани кўриб бутун вужудим ларзага келди. Бу саҳнада рол ижро этаётган актёр эмас, ўғлининг қилмиши, хунрезликлари, кўз кўриб, қулоқ эшитмас кирдикорларидан боши хам, кўкси битмас жароҳатларга тўла, халқ, эл-улус олдида ўзини гуноҳкор англаётган, виждон азобида қийналаётган аёл — Тоҳир Йўлдошевнинг онаси эди.

— Ўғлимнинг шундай бўлишини билганимда, болалигидаёқ ўз қўлларим билан ўлдирган бўлар эдим, — дейди хорижларда яшириниб юриб жангариларга бошчилик қилаётган кимсалардан бири – Тоҳир Йўлдошевнинг онаси Каромат Асқарова. — Ҳозир ҳам ўлдиришга тайёрман. Унинг қилмишларини кечириб бўлмайди. Мен ундан рози эмасман, уни оқ қилдим. Менга бундай ўғил керак эмас!...

Она ўз фарзандига ёмонликни раво кўриши, ҳатто оёғига тикан киришини исташи мумкинми?! Наҳот Оллоҳга зор уриб ўзи кўксида кўтарган, жон бахш этган, дунёга келтирган, оқ сут бериб улғайтирган вужудга завол тиласа, ундан нафратланса, ҳатто рўйирост ўз қўллари билан бўғиб ўлдиришдан тап тортмаса!

Беихтиёр бир ривоят ёдимга тушади. Уни, албатта, сиз ҳам эшитгансиз. Эмишки, бир йигит гўзалликда тенги йўқ, ой каби сулув қизни севиб қолибди. Ишқ оташида ёниб, қизнинг ҳузурига бориб кўнглини изҳор этибди.

— Эй йигит, менга бўлган муҳаббатинг чин бўлса, бир шартим бор. Шуни бажарсанг, гапларинг ростлигига ишонаман. Бориб менга онангнинг юрагини келтирасан, — дебди қиз унга қарата.

Юрагида севги туғён ураётган, кўзига соҳибжамол сиймосидан бошқа нарса кўринмай қолган йигит ортига қайтиб онасини бўғизлаб, юрагини олибди ва қизнинг ҳузурига ошиқибди. Югуриб бораётиб нохос қоқилиб, йиқилиб тушибди. Шунда кафтдаги она юраги тилга кириб:

— Ўғлим, ёмон йиқилмадингми! Бирор еринг лат емадими?! — деган экан.

Онаизор. Қаранг у ўз ҳаётига зомин бўлган, вужудига тиғ урган фарзандга ҳам озор етишини истамаган. Меҳр кўрсатган. Ҳа, ёруғ дунёга келгани, илк бор тилга кирганини, тетапоя юрганини кўрганда дунёларга сиғмаган онаизорнинг жони, қонидан бунёд бўлган зурриёдига меҳри шу қадар чексиз, шу қадар юксак. Шундай зот ўз дилбандини қарғаши, оқ қилиши, бутунлай, ошкора юз ўгириши қанчалик оғирлигини энди бироз бўлсада тўлароқ англагандирсиз! Бундай қарғишга лойиқ, ўз онасининг беҳад оҳу нолаларига сабабкор фарзанд қанчалик жирканч тубанликка юз тутиши, оғир исноднга қолиши, икки дунёси куйишини энди анча кенгроқ тасаввур этгандирсиз!

Ҳукмронлик, мансаб гирдобига тушган бу кимса ўз киндик қони тўкилган заминни топтади, она-Ватанининг юзига оёқ босди, халқининг қонини тўкди, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлди. Айтинг-чи, бундай кимсани ўғлим дейишга қайси онанинг тили боради? Қайси она бундай тубан зурриёдини лаънатламайди!

Она қарғиши! Болалигимда бир кишини билардим. Ҳали ҳеч кимда енгил машина йўқ, унда бор эди. Беҳад кўп мол-дунё орттирганди. Ҳовли-жойини айтмайсизми! Атрофдаги одамларни менсимас, кибр-ҳаво билан юрар, ўзини ҳаммадан доно ва ақлли санарди. Отаси урушда ҳалок бўлган, бева она чор-ночор кун кечираётган кенжа укасининг қарамоғида яшарди. Айтишларича, босар-тусарини унутган маънавий сўқир ака на ука-сингиллари, на онасининг ҳолидан хабар олмас, мабодо онаси гапиргудай, инсофга чақиргудай, мурувват сўрагудай бўлса жеркиб, қайтариб ташлар, ўкситаркан.

## Munosabat

(Давоми 3-бетда)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# Танишинг: Олий Мажлис депутатлигига номзодлар

## ИЛМНИ ҚАДРЛАГАН ИНСОН



**Мавлуда Исматова 1943 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1961 йилда Педагогика билим юртини тамомлаб, мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошлаган. 1968 йили Педагогика институтини она тили ва адабиёт фани мутахассислиги бўйича битирган. 1983 йилдан буён Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-мактаб-лицейда директорлик лавозимида самарали ишлаб келмоқда.**

**Уч нафар фарзандни тарбиялаб ўстирган. Ўн нафар набиранинг севимли бувижониси.**

Президентимизнинг 1999 йил 25 августдаги Фармонига биноан Мавлуда Исматовага давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган ва Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» нишони билан тақдирланган.

Шаҳарда меҳнат фаолиятини оддий муаллимликдан бошлаган, ўқиб, изланиб, ҳалол ишлаётган Мавлуда Исматова илмни қадрлаб ва бошқаларни ҳам илмни эъзозлашга ундаб, катта обрў қозонмоқда. Қарангки, бу йил уни оддий халқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатишди. Мамлакат Парламенти депутатлигига унинг номзоди 3-Акмал Икромов сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан қўйилган.

Айтиш жоизки, ёшлигидан ўқитувчилик касбини орзу қилган Мавлуда Исматова бошланғич синф ҳамда она тили ва адабиёт фани мутахассиси бўлгани боисми, ўғил-қизларни жон-дилидан севади. Болаларга қаттиқ гапирмасликнинг тарафдори. Мабодо, қаттиққўллик ҳақида сўз очсангиз, «Ёшларни яхши гап, хушмуомалалик билан ҳам тарбиялаш мумкин», деб эътироз билдиради. Ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб битирувчиларининг 75-85 фоизи ҳар йили турли ўқув даргоҳларига ўқишга кираётганини айтади. Дарҳақиқат, М.Исматова таълим-тарбия берган собиқ ўқувчиларнинг икки нафари фан доктори, 31 нафари фан номзоди, 500 нафари эса педагог ва шифокорлардир.

Очиғи, мактаб биноси 1176 ўқувчига мўлжалланган бўлса-да, айни кунда 30 та синф хонасида 1555 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олишмоқда. Физика, кимё, биология фанлари бўйича амалий машғулот лабораторияси замонавий кўргазмалар асосида ишлаб турибди. 4 та ЭҲМ ва информатика ўқув хонасида замонавий компьютерлар ҳам мавжуд. Мактабдаги 10-,11-синфларда методбирлашма эмас, фан кафедралари ташкил этилган. Уларни олий ўқув юртлари ўқитувчилари бошқариб боришади. Мактабда 101 ўқитувчининг 17 нафари олий ўқув юртларидан таклиф қилинган профессор-ўқитувчилардир. Бундан ташқари мактабда инглиз ва рус тилини ўргатиш учун лингофон синфлари фаолият кўрсатмоқда.

Тўрт йилдан буён Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятидан малака ошириш учун келган мактаб директорлари амалий машғулотларни айнан шу 273-мактабда ўтказиб, директор фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар.

- Мактаб раҳбари билимдон, раҳбарлик одобини пухта билувчи, пок, ҳалол, инсонпарвар, ишбилармон бўлса, ҳамма вақт ҳам унинг иши унумли бўлади, - дейди М.Исматова биз билан суҳбатда.

Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда опа Исматова Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси ифтихори, халқимизнинг севимли ўқитувчисидир. Мазкур партия сайловолди платформасига назар ташласангиз, партия аъзоларининг Қонун устуворлигини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкка эгалик туйғусини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш ва фаровон ҳаёт учун курашиш, эркин фикрловчи, комил ва фидоий инсон маънавиятини тарбиялаш борасида пухта сиёсат олиб боришга шайланишганига гувоҳ бўласиз.

— Миллий мафкура ва миллий маънавиятимизни бола онгига сингдириб бориш бизнинг асосий вазифамиздир, — деди Мавлуда Исматова ўз сайловолди дастури ҳақида гапириб. - Чунки маънавиятли инсондан жамият фақат фойда кўради.

Мавлуда Исматованинг сайловолди дастуридан:

— миллий анъаналаримизни, урф-одатларимизни эъзозлашни ўқувчилар онгига сингдириш;

— ўқувчиларни жуда ёшлигидан илмий изланишга йўналтириш, шу билан бирга уларни ҳар хил касбга йўналтириб бориш;

— мустақиллик тушунчаси, мустақиллик учун курашганлар тарихини тарғиб қилиш;

— ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилишга эътиборни кучайтириш;

— маънавий тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

— фидоий ўқитувчиларнинг меҳнати тақдирланишига эришиш;

- маънавий жиҳатдан баркамол, жисмонан етук ёшларни етиштириш;

— мафкуравий тарбияга эътиборни кучайтириш;

— мактабнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш каби 25 дан ортиқ масалалар ўрин олган.

**Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,**
**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

## ОИЛАПАРВАР АЁЛ

**Мана, икки йилдирки, «Оила ва жамият» газетаси идорасига шаҳдам кириб бораверaман. Чунки бу ерда аёлни тушунадиган, оила нималигини биладиган, энг муҳими кўзингизга қараб, кўнглингизни кўра оладиган ҳамкасбим Дилбар Саидова бош муҳаррир бўлиб ишлаяпти. Дилбар билан «Саодат» журналида бирга ижод этган пайтларимиз ширин хотира бўлиб қолди.**

**Бу ерга қачон келсам, Дилбар бутун вужуди билан рўбарўсидаги аёл дардини тинглаётган, ё таҳририятга ёғилиб келган хатларга кўмилиб ўтирган, ё газетанинг навбатдаги сони шакли-шамойилини, мазмунини яратиш борасида жамоа билан қизғин баҳслашаётган бўлади.**



*— Дилбар, — дейман у билан ҳол-аҳвол сўрашгач, — сизларни ишдан қўймай, деб атай туш пайтида келдимки, бир пиёла чойни бирга ичиб, дийдорлашайлик. Устоз Зулфия опа сизнинг, ҳаммамизнинг мана шундай ишчанлигимизни севар эдилар. Фидойиликка ўргатган эдилар. «Саодат»га қаламимиз маъқул бўлгандан кейингина ўзимизни таклиф қилган эдилар. Сизда устоз хислатларини кўриб, қувонаман. Сиз шу қисқа вақт ичида «Оила ва жамият»га ҳаммамизни, ҳатто вилоятлардаги қаламкаш опа-сингилларимизни жалб эта олдингиз. Қарангки, энди ўша аёллар, қизлар ҳам «Оила ва жамият»га юрак сирларини ёзишга киришдилар...*

*— Нимасини айтасиз, Санъат опа, — Дилбар даста-даста хатлар ва газетага тайёрланган ёзувлари лиқ тўла саҳифаларни хиёл четга суриб, чой дамлади ва гапида давом этди. — Устоз Зулфия опамиз мактаби ҳар қадамда кўзимизга тўтиё. Инсонни сўзинг билан ўзгартира олсанг, яшашига, ишлашига , унинг кўпроқ ижод қилишига даъват эта олсанг бу бахт-ку.*

*— Яшанг! Устоз руҳини шод этишдан ортиқроқ савоб йўқ. Ҳа, газетхон сифатида мен ҳам тан оламанки, «Оила ва жамият» тубдан ўзгариб кетди. Юракка жиз этиб тегадиган қатор мавзулар, рукнлар пайдо бўлди. Одамлар бировга айтолмаган дардини газетага ёзадиган ва шу орқали ўзига тўғри йўл излайдиган бўлишди. Эҳ-ҳе, икки йил ичида юзлаб қизлар, аёлларнинг мактубларини эълон қилдингиз. Ва уларга фақат таҳририят ходимларигина эмас, барча газетхонлар, кўпни кўрган кайвонилар газета орқали фикр айтиб панд-насиҳат, далда беришга, хатоларини тўғрилашга кўмаклашяптилар. Бу ҳол оддий гап эмас, бу – оилаларни мустаҳкамлашга, жамиятни ривожлантиришга, инсон тарбиясига қўшилаётган жуда муносиб ҳиссадир.*

*— Раҳмат, Санъат опа! Ўзингиз айтгандек, халқимизнинг ўзи донишманд, жуда яхши устоз-мураббий экан. Шунинг учун ҳам мен одамларга яқин бўлишга ҳаракат қиламан. Газета халқнинг минбари бўлиб қолсин, дейман. Майли, яхшими ёмонми, ҳамма қурби етганча ўз сўзини айтсин. Халқнинг ўзи ҳакам. Тўғрисини ҳам, нотўғрисини ҳам юзига айтади. Қўлидан келса ёрдамга шошилади. Масалан, бир куни Муҳаббат исмли аёл оилада ногирон болалари билан қийналиб қолгани, ҳаётдан умидини уза бошлагани ҳақида ҳасрат қилиб келди. Кейинроқ мухбир қизимизни юбордик. У ёзиб келган мақоласи орқали маҳалла фаолларининг ва ташкилотларнинг беминнат ёрдамини уюштиришга, аёлнинг ҳаёти изга тушиб кетишига, ишга қайтишига кўмаклашди. Яқинда Муҳаббатхон таҳририятимизга кириб келди. Кийинишида, кўзларининг бахтиёр чақнашида ўзгариш бор. У бизга миннатдорчилик билдириб, мактуб қолдирди. Биз унинг ушбу мактубини ҳам эълон қилдик. Бундай воқеалар жудаям кўп.*

*— Эҳ-ҳе, Дилбар, сиз қанча одамлар дардига шерик бўлдингиз. Иссиқда-совуқда юриб, қанча ижодий йўл босдингиз. Мана энди сиз катта бир газетага раҳбарсиз. Ҳар куни идорада бўлишингиз, мажлисларга боришингиз ҳар ҳафта саккиз саҳифали газета чиқаришингиз шарт. Ҳафталар эса кўз очиб юмгунча ўтаверади. Бир ёқда қоғоз ташвиши, ҳар бири ҳар хил феълга эга жамоага бош бўлиш, уй-хаёли, оилангиз... дегандай. Яна ҳеч нолиганингизни эшитмайман. Баланд руҳ, мустаҳкам ирода, қандайдир эҳтирос ва иштиёқ билан ишлаяпсиз?!*

*— Менимча ҳар бир йигит ёки қиз ўқиб ҳаётни бироз тушуниб, албатта биронта касб-ҳунарнинг этагидан тутгандан кейингина турмуш қуриши керак. Ва у бир умр оиласининг ҳам, касб-корининг ҳам қадрини баланд кўтариб яшаса, худди эртакларда айтилганидек, муроди мақсадига етади, озми-кўпми обрў-эътибор ҳам топади. Онамнинг ўз касбини қадрлашига, ҳар куни, ҳар соатда ўзида куч-ирода топа билишига ҳавасим келарди. Шукрлар бўлсинким, мен дунёга келиб, ҳаммавақт яхши устозларга рўбарў бўлдим.*

*Аввало, ўта маърифатли бўлган бувим, кейин эса онам! Мактабда эса олим ва ёзувчи бўлган ўқитувчим Ёқубжон Яквалхўжаев, кейин уста матбуотчи Нуриддин Шукуров, Малик Наврўзов ва Зулфия опа! Улар менинг қўлимдан тутган, йўлимни ёритган катта устозлардир. Шуларнинг руҳий мадади, қалбимга ёзилиб қолган ўгитлари, меҳр-оқибати, ишга, сўзга муносабати, чарчамаслик менга ҳамиша куч-қувват ато этади.*

*— Куни кеча газетада Ўзбекистон Олий мажлиси депутатлигига Тошкент шаҳар 1-Саноат сайлов округидан номзодингиз кўрсатилганини ўқиб қолдим. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказаётган бўлсангиз керак. Сайловолди дастурингизда қандай ният-мақсадларни кўзлагансиз?*

*— Матбуотда ишлаб, ёзув-чизув қила бошлабманки, мени доимо оила, аёл-она муаммолари ўйлатади, қўлимга қалам тутқазган ҳам айни ана шу масала. Менинг дастуримда ҳам бу масала бош ўринда туради. Ватан ичра Ватан – оила бахт-саодати йўлида меҳнату заҳмат чекишни олий мақсадим деб биламан.*

*— Дилбар, бир эмас, уч ўғлингизни билимли, касб-ҳунарли қилишдек ва келажакда уларнинг уччови уч оилага бош бўлишларига тайёрлашдек улуғ бурчингиз, оналик вазифангиз бор. Турмуш ўртоғингиз Очилбекнинг дилбар рафиқаси эканингиз ҳам янада катта масъулият...*

*— Ҳа, бир мен эмас, республикамиздаги барча аёллар оилани энг азиз саждагоҳ деб улуғлаши, унга гўзаллик, бахт, барака, чинакам меҳр-муҳаббат ато этиши керак. Мазали таомларим, уйни ораста тутишим ўғилларим ва дадасининг кайфиятини чоғ қилади. Вақти келса улар ҳам менга ёрдам беришади. Кейин эса идорадан олиб келганим газетхонларнинг даста-даста хатларини ўқийман. Озгина таҳрир, озгина жозиба бериб, бу хатларни тўлалигича босмага тайёрлайман. Қарабсиз-ки, хатлар ёғилиб келади. Демак, газетамизни ўқишаяпти, деб севинаман.*

**Санъат МАҲМУДОВА**

## «МЕНИ ТАНЛОВ КАШФ ЭТДИ»

**Киши икки масалада адашмаслиги зарур. Биринчи — касб танлашда, иккинчиси — ёр танлашда. Бу гап серқирра ҳаётнинг долғали чорраҳаларига солиштирилса ўта нисбий. Аммо мағзида улуғ бир ҳикмат бор. Айнан йигитлик айвонида бу ҳикматга амал қилинса саодат калити топилган бўлади.**

**1976 йил эди. Адҳамжон Тўрақўрғондаги 9-ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаб, 8-касб-ҳунар лицейига ҳужжат топширди.**

**Билим юртида ҳеч иккиланмай, астойдил ўқиди. Гуруҳ раҳбаридан тортиб, билимгоҳ директоригача уни яхши танир, ҳурмат қилар, кўпинча унга ишонч билдиришарди. Атрофдагилар эътиборидан рағбат топган Адҳамжон ўзига талабчанликни яна ҳам ошириб борди.**



Уч йиллик таҳсилдан сўнг «Қишлоқ қурилиши устаси» гувоҳномаси билан тумандаги 2-ўрта мактабга иш сўраб борди. Ёш йигитнинг орзу-режаларини қўллаб-қувватлашди, қолаверса, мактабда меҳнат таълим ўқитувчиси йўқ ҳисоби эди. Бир йил меҳнат таълимидан дарс берган йигитнинг ўзига нисбатан ишончи ортди. 1980 йили Чуст педагогика билим юртига ҳужжат топширди. Ишдан ажралмаган ҳолда ҳам бемалол ўқиб, касб сирларини эгаллаш мумкин. Адҳамжон энди Наманган давлат педагогика олийгоҳига йўл олди. Олийгоҳнинг умумий техника факультетида ҳам муваффақиятли ўқиди. Назарий билим ва амалий иш жараёнларида илмий бўлим мудири вазифасигача уддалаш маҳорати ўз-ўзидан шаклланмайди. Касбга меҳр уни янги-янги изланишларга чорлади.

1994 йилнинг кеч кузида мактабда «Ўқитувчи-94» кўрик-танлови ўтказилди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Адҳамжон Каримов ҳамкасблари ўртасида биринчи ўринни олиб, ишонч қозонди. Танловнинг туман, вилоят босқичларида ҳам унга мутлақ ғолиблик насиб қилди. У танловга тайёргарлик жараёнида ўқувчиларнинг дарсда тайёрлаган буюмларини текшириш ва электрон баҳолаш аппарати «Т ва Б-4» ни кашф этди. Бу электрон аппарат кўрик-танловнинг республика босқичида Республика таълим маркази томонидан юқори баҳоланди. Фахрли ўрин соҳибига «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси» унвони берилди.

— Мени танлов кашф этди, десам янглишмайман, — дейди Адҳамжон Каримов.

Дарҳақиқат, танловдан кейин кўп ўтмай тумандаги 1-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Ўтган йиллар унинг ташкилотчилик қобилиятини янада чархлади.

Юздан зиёд ўқитувчи, тарбиячи меҳнат қилаётган А. Каримов раҳбарлигидаги мактабда 1800 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Директорнинг изланишлари, туман раҳбарларининг кўмаги натижасида мактабга компьютер, ўқув технологиялари келтирилган. Математика, инглиз ва немис тиллари чуқурлаштириб ўқитилмоқда. Ўтган ўқув йилида олийгоҳларга қабул қилинган мактаб ўқувчиларининг 19 нафари энг юқори балл тўплашгани ҳам мактаб жамоасининг ютуғи.

Ота-оналар талаби билан 2 та болалар боғчасида гимназия синфлари очилди. Асосан олий ва биринчи тоифали муаллимлар ишлайдиган жамоа раҳбардан ёлчигани кўп таъкидланади.

А. Каримов таълим пойдевори – бошланғич синфларда ўқитиш ишларини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Сентябрдан ўқишга келадиган ўғил-қизлар июнь ойидан бошлаб тўла тайёрлов машғулотларига жалб этилади. Сентябрда илк бор партага ўтирган болалар ёзиш ва ўқишни, кичик сонлар ҳисобини билиб олишган бўлишади.

Бугунга келиб 1-ўрта мактаб банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини изга солган аҳил жамоага айланди. Тегирмон, жувоз, арчма цехлари ишлаб турибди. 2 гектар ердан олинган 10 тонна макка дони ҳам мактабга даромад.

Мактабнинг ҳомий ташкилоти машҳур гугурт фабрикаси — «Шамс-ЛТД» янги ўқув йили олдидан 500 минг сўмлик таъмир ишларини бажариб берди. Бу ишларнинг барида, албатта, мактаб директорининг ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти, ғайрат-шижоати турибди.

Бахт оиладан бошланади, дейдилар. Оддий деҳқон оиласида туғилиб вояга етган Адҳамжон Каримов камолот ёшида, оилали, 5 нафар фарзанди бор.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП 85-Тўрақўрғон сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Адҳамжон Каримов номзодини кўрсатганида округ сайловчилари қўллаб-қувватлашди. Энди у раҳбарлик қилаётган масканнинг ишончли мактаб деган таърифига депутатнинг мактаби деган ифтихор қўшилса ажабмас. Буни сайлов куни олинадиган овозлар ҳал этади. Биз эса А. Каримовнинг Олий мажлис депутатлигига муносиб номзодлигини таъкидлаш билан бирга унга муваффақият тилаймиз.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

---

Ogohlikka da'vat

# ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК — МАЪРИФАТ, ЭНГ АЧЧИҚ ОҒУ — ЖАҲОЛАТ

*Учинчи мақола*

Ислом динининг асоси бўлмиш муқаддас Қуръони каримни Аллоҳ таоло қандай нозил қилган бўлса, шу кунгача ҳатто битта ҳарфи ҳам ўзгармай сақланиб келмоқда. Шундай экан, унга қарши курашганлар ҳам, ундан ўзининг жирканч мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам янглишурлар. Уламолар Аллоҳнинг каломи бўлган бу китобни йўқ қилишга ёки ундаги йўриғларни ўзгартиришга бандаси ожиз дея сабоқ берар эканлар, Қуръоннинг «Ҳижр» сурасидаги ушбу оятни келтирадилар: «Биз «Қуръон»ни туширдик ва уни ўзимиз муҳофаза қиламиз».

Мудҳиш тузумнинг энг катта хатоси шунда эдики, бу муқаддас китобни инкор қилишга, уни йўқ қилишга, инсонлар қалбидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилган эди. Хўш, бугун ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда ислом динига муносабат қандай?

Конституцияга кўра, Ўзбекистон дунёвий давлат, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Барча ташкилотлар қатори диний ташкилотлар фаолияти ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ташкил этилади. Аммо дин гарчи Давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятимизнинг ажралмас бир қисмидир. Шу боис ҳам Президентимиз таъкидлаганидек: «... туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила курганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади, диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетган-ки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз».

Мустақиллик туфайли ўз эркимизга, миллий қадриятларимизга, динимизга эга бўлдик.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб қатор масжидлар — мадрасалар очила бошлади. Рўза ва Қурбон ҳайит кунлари байрам сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди. Юзлаб номда, миллионлаб нусхада диний адабиётлар, ҳикматлар мажмуаси бўлган китоблар чоп этила бошлади. Мамлакатимиз аҳли «Ислом нури», «Ўзбекистон мусулмонлари» номли журналларга эга бўлдилар. Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида «Ҳидоят сари», «Сарвари олам» каби ўнлаб кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилди. Бадиий ва ҳужжатли фильмлар ишланди. Бу эзгу ва хайрли ишларнинг барчасини халқимиз кўзи билан кўриб, қалби билан тасдиқлаб турибди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1550 та масжид, 10 та мадраса фаолият кўрсатмоқда. Юртбошимизнинг эътибори, давлатимизнинг бевосита ёрдами туфайли ҳар йили 4000 га яқин ватандошларимиз ҳаж зиёратларига бориб келишмоқда.

Ваҳоланки, мудҳиш тузум даврида минг бир чиғириқлардан ўтиб бор-йўғи 4-5 киши шундай шарафга муяссар бўларди.

Минг йиллар давомида ислом дунёсида эъзозланиб келинаётган юртдошларимиз руҳи-покига ҳурмат бажо айлаш мақсадида давлатимиз томонидан улуғ ишлар амалга оширилди. 1993 йили Баҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоятидаги Баҳовуддин Нақшбандий масжид-мажмуаси давлат томонидан қайта таъмирланиб, Ўзбекистон мусулмонлари ихтиёрига топширилди. 1994 йили Хўжа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги, 1995 йили Аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 1998 йилда эса Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Ал-Фарғонийнинг 1220 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. 1996 йилда Президент ташаббуси, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан Бухородаги Нодир исломий меъморий-мажмуа «Масжиди Калон» Давлат томонидан таъмирланиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказилди. Ал-Бухорий мажмуасининг қурилиб битказилиши эса нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун чинакам байрамга айланди.

Аслида биз бу олимларга ҳурмат кўрсатиш орқали ўз меросимизни ўрганиш билан озодлигимизни, миллатимизни, маданиятимизни, маънавиятимизни улуғламоқдамиз. Негаки, бу меросларсиз биз бугун миллатимизнинг на ўтмишини, на келажагини тасаввур қила оламиз. Зеро, юртимиздаги тинчлик, ободлик, орзу-мақсадларимизнинг ушалиши ҳам Аллоҳнинг марҳамати биландир. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.

Биз бугун нафақат озодлигимизни, балки динимиз софлиги, мазҳабимиз тўғрилигини ҳам ҳимоя қиляпмиз. Боболаримиз мана шу йўлда юксак даражаларга эришган экан, нега биз бу йўлни танламайлик. Тарихимизда ўтган қайси бир бобомизнинг асарига, ҳаёт йўлига назар солмайлик, уларнинг диний билимлар билан дунёвий билимларни бирдай ўрганганлигини, ривожлантирганини кўрамиз. Бугунги кунда собиқ тузум давридаги диндорларга, мусумонларга бўлган зуғумларни эслар эканмиз, Аллоҳга беҳисоб шукроналар айтамиз. Ахир, Ҳайит намозига келган мусулмонларни махсус идора ходимлари кучи билан ҳайдашлар, рўзадорларга мажбурлаб сув ичиришлар, Ҳайит куни бобоси қабрини зиёрат қилгани борган ўқувчини, никоҳдан ўтган ёшларни жазолашлар, кечагидай эсимизда турибди-ку!

Бугунчи, ҳар Ҳайит байрамлари арафасида Президентимиз номига келаётган Америка, Европа, Шарқ мамлакатлари раҳбарлари, мусулмонлари йўллаган қутловларни ўқир, эшитар эканмиз, бу кунларга ета олмаган аждодларимиз, минг бир ҳадик ила яширин таровеҳ намозларини ўқиган боболаримиз, ёстиғи жилдига «Устози аввал», «Муаллими соний», «Ҳафтияк»ни беркитиб, аҳён-аҳёнда бизга ўқишни ўргатган момоларимиз ёдимизга тушади.

Узоққа бормайлик, ахир яқин-яқингача улуғ алломаларимизга «Диний мистик адабиёт вакиллари» дея қарашлар мавжуд эди-ку! Уларнинг нафақат қабрларини зиёрат қилиш, ҳатто китобларини ўқиган кишилар ҳам жавобгарликка тортиларди-ку! Биргина мисол: 1989 йилда — истиқлолимиздан икки йил аввал чоп этилган «Ислом» (справочник) номли китобда улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий ҳақида шундай маълумот берилади: «Яссавий ва унинг тарафдорлари халқ оммасини ўз томонига қаратишга уриниб, ўша даврдаги золимларни, амалдорларни, порахўрларни, шайхларни танқид қилганлар. Яссавий мероси диний-мистик адабиётнинг намунаси сифатида реакцион рол ўйнади». Ва ёки улуғ шоиримиз Алишер Навоий асарларининг «боши қирқилиб» китобдаги Аллоҳга ҳамду сано ва салавотлар билан битилган байтларнинг эълон қилинмаслигидан кўзланган мақсад нима эди? Наҳотки Алишер Навоийнинг «Муножот», «Арбаъин» («Қирқ ҳадис») деб атаб келинган китобидаги:

**Мўмин эрмасдур улки,**
**иймондин**
**Рўзғорида юз**
**сафо кўргай.**
**Токи, ўз қардошиға**
**раво кўрмас -**
**Неким, ўз нафсиға**
**раво кўргай.**

Ёки:

**Оналарнинг оёғи**
**остидадир,**
**Равзайи жаннату**
**жинон боғи,**
**Равза боғи висолин**
**истар эсанг,**
**Бўл Анонинг оёғи**
**тупроғи.**

каби шеърий ҳадислари ҳам «реакцион рол» ўйнаши мумкин бўлса?

Хўш бугун-чи, бугун биз эмин-эркинлик билан нафақат қадри топталиб, ёмон отлиғ қилинган аждодларимиз пок номини улуғлаб, балки уларнинг маънавий меросига таяниб ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, биз бугун: «фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Бу фикрларнинг яна бир ёрқин ифодаси, тасдиғи сифатида шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу йил Президентимиз Фармони билан Тошкентда Ислом Университети ташкил этилди. Диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари, асарларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, ислом дини тарихи, фалсафаси, жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда дунёвий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Тошкент Ислом Университетининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Биз сохта ақидалар, қирғин, қон тўкишларга берилиб халқимизни хонавайрон қилиб, тараққиётдан ортда қолдирувчи ибтидоий йўлни — тузумни эмас, балки тинчлик, бунёдкорлик билан яшаш йўлини танладик. Биз учун бу йўлда қонун давлат таянчи, жамият ривожи, тинчлиги гарови бўлса, илм-фан, маърифат эса янги-янги имкониятларни очиб берувчи калитдир. Шу боис ҳам юртбошимиз «Куч — билим ва тафаккурда» деган олий мақсадга бошловчи шиорни ўртага ташладилар. Жаҳолат эса куч эмас, жаҳолат — илмсизликдир.

**Минҳожиддин МИРЗО**

---

# ХАЛҚИМ - БАХТИМ

*Азал-азалдан халқимизнинг устоз-муаллимларга нисбатан ишончлари бир олам.*

*Бутун юртимиз бўйлаб Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ўтказишдек қувончли ташвишлар авж олган айни бахтиёр кунларимизда ҳам халқимиз ўз устоз-муаллимларига яна бир бор юксак ишонч билдирмоқдалар. Улар муносиб муаллимларни депутатликка сайлаш учун эл-юрт орасида кенг тарғиботу ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.*

*Эл назари тушган ана шундай фидоий муаллимларнинг бири Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Низомий номидаги 24-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими Йўлдош Худойназаровдир.*

*— Номзодим Сурхондарё вилояти кенгашидан Олий Мажлис депутатлигига қўйилганлигини эшитиб ўзимда йўқ қувондим, - дейди биз билан бўлган суҳбатда Йўлдош домла Худойназаров, - тўғриси, менинг номзодим кўрсатилган 137-Ангор сайлов округидан 7 нафар муносиб номзод билан курашиш ҳам шарафли иш. Бундан биз фахрланишимиз керак. Демак, юртимизда эркин ва демократик тамойилларга асосланган сайловлар ўтказилаяпти...*

*Биз эл севган муаллим Йўлдош ака Худойназаров билан атрофлича суҳбатлашдик. У кишининг орзу-ниятлари билан, шахсий дастур ва режалари билан танишдик.*

*Сиз нима дейсиз билмадиму, менимча муаллимлар ҳаётда ҳар доим ўзларининг болаларча беғуборлиги-ю юқори даражадаги камтарона одоби билан бошқалардан ажралиб туришади.*

*Йўлдош домла ҳам ўз шахсий дастурини камтарлик билан ифодалади: «Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни янада яхши йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш йўлидаги қатор таклиф ва мулоҳазалар шахсий дастуримнинг мазмунини ташкил қилади».*

*Халқи бахтини ўз бахти деб билган устоз муаллимнинг келгуси ишларида улкан омадлар тилаб қоламиз.*

**Абдували ОБИДДИН**

